



Мустақил пул топишга ўргатсак, боқимандалик йўқолади

3-с.

Ёшлар кучи, шижоати, салоҳияти тараққиётга доим сафарбар

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
4 январь,
шанба

Маҳалла

№1
(2225)

WWW.UZMAHALLA.UZ

КУН НАФАСИ

“Маҳалла лойиҳаси” дастурига 1 миллиард доллар йўналтирилди

Президент Шавкат Мирзиёевга банклар шитирокида маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадди қилиш чора-тадбирлари бўйича ахборот берилди.

2025 йилда 5 миллион 200 минг нафар, жумладан, банклар томонидан 3 миллиондан зиёд аҳолини банд қилиш режалаштирилган.

Ҳар бир маҳалла бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланди. Аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган “маҳалла лойиҳаси” дастури доирасида ажратиладиган 1 миллиард доллар кредит ресурслари банклар ва ҳудудлар кесимида тақсимланди. Лойиҳа ишлаб чиқиш, кредит ажратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича туман банки раҳбарига ойма-ой самарадорлик кўрсаткичи қўйилди.

Жойлардаги банк филиалларининг маҳаллалардаги иши янги асосда ташкил қилинади. 2025 йил 1 февралга қадар туман банклари филиалларида маҳаллабай ишлаш бўлимлари ташкил этилиб, уларга “маҳалла банкирлари” тайинланди. Шунингдек, ҳар бир маҳаллада улар билан бирга ишлайдиган “ёрдамчи-агентлар” танлаб олинади.

Худудий банклар ҳамда туман ҳокимлари аҳолини тайёр бизнес лойиҳалари билан таништириб боради, уларни амалга ошириш кўникмалари ўргатилади. “Online-mahalla.uz”, “bank-kredit.uz” ва “soliq.uz” ахборот тизимлари интеграция қилиниб, масъулларга юклатилган вазифалар ижроси кунлик таҳлил қилиб борилади. Фаолияти қониқарсиз бўлган раҳбарларга чора кўрилади.

Президент Матбуот хизмати ахбороти асосида тайёрланди.



“Маҳалла лойиҳаси” дастури доирасида ажратиладиган 1 миллиард доллар кредит ресурслари банклар ва ҳудудлар кесимида тақсимланди.

БУГУНГИ СОНДА:

Чинакам бўстонга айланаётган “Бўстон”

Кечагина оғир шароитда бўлган ҳудуд бугун улкан қурилиш майдонига айланди. 500 дан зиёд хонадонда 4 минг 310 нафардан ортиқ кўп миллатли аҳоли ўзаро иноқликда яшайди. Қирғиз, тожик, қозоқ ва ўзбеклар азалдан дўст, биродар, қуданда, оға-ини бўлиб турмуш кечиради.

2-с.

Замонавий касб ўрганишга иштиёқ бор, имконият йўқ

Янги давр талабадаги касбларни ўрганиш учун алоҳида курслар ташкил этиш лозим. Шу мақсадда IT, дизайнерлик, маркетинг каби замонавий билимларни ўрганишда қўллаб-қувватлов бўлса, иқтидорли ёшларнинг салоҳияти ортиб, ўз билим-кўникмаларини ошириш орқали даромадли касбларни эгалларди.

4-с.

Саводхонлик бўлмаса, савдонинг ҳам баракаси бўлмайди

“Яширмайман, менга бириктирилган маҳаллалар туманимизнинг энг чекка ҳудудида бўлгани учун бу ерга солиқ ходимлари илгари тез-тез кела олмаган. Келган бўлса ҳам аҳолининг мол-мулк ва ер солиқларидан қардорликларини ҳамда мавжуд 3-4 та савдо дўконларининг солиқ тўловларини ундириш учун келган, холос”.

5-с.

“Нархни қўшиб ёзиш жоизми?”

Ишчи ва ходим қабилар иш жойининг вакили сифатида иш юрилади ва мана шу ишларни бажараётгани учун унга корхона маош ажратади. Исломда вакил ўзига нима вазифа юклатилган бўлса, ўшани бажариши керак. Қўшиб ёзишни талаб қилиш ва шу орқали олган ортиқча пулни ўзлаштириш унга ҳалол бўлмайди. Бу ишда алдов, омонатга хиёнат қилиш каби бир неча гуноҳлар бор.

8-с.

ТОМОРҚА ТУФАЙЛИ ДАСТУРХОН ТЎКИН, ОИЛА ФАРОВОН




ЎЗБЕКИСТОН АВТОБИЛСОЗЛИҚДА МИНТАҚАВИЙ ЕТАКЧИГА АЙЛАНДИ

7-с.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

“Ижтимоий карта” тизими ишга тушди

“Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда “ижтимоий карта” тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.



Қарорга кўра, ижтимоий карта дастлаб электрон, сўнгра фуқароларнинг хоҳишига кўра, банк картаси шаклида тақдим этилади.

2025 йил 1 январдан бошлаб, янги тайинланган ижтимоий тўловлар ижтимоий карта орқали тулан-

ганда, олувчининг илгари тайинланган бошқа ижтимоий тўловлари ҳам мазкур карта орқали тўлаб берилади.

2025 йил 1 февралдан бошлаб, миқдори БХМнинг ўттиз фоизидан ошмайдиган реабилитация қилиш-

нинг техник воситаларини харид қилиш учун маблағлар ижтимоий картага ўтказиб берилади. Ижтимоий карта орқали тўланган нафақа, компенсация ва бошқа тўловлар (пенсия бундан мустасно) маблағларидан спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари учун тўловни амалга ошириш тақиқланади.

2025 йил 1 апрелдан бошлаб, ижтимоий карта транспорт картаси вазифасини бажаради.

2027 йил 1 январдан бошлаб, ижтимоий тўловлар фақатгина фуқароларнинг ижтимоий карталарига ўтказилади.

Айтиш керакки, юқорида белги-ланган нормалар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Янгийул туманида қарор расмий эълон қилинган санадан, республиканинг бошқа ҳудудларида 2025 йил 1 июлдан бошлаб қучга қиради.

ҲАМКОРЛИК

ФАОЛ НУРОНИЙЛАР “ЕТТИЛИК” БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ

Ҳукумат қарори билан “Фаол нурунийларни камбағал оилаларга бириктириш ҳамда маҳаллада соғлом турмуш тарзи ва ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга жалб этиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.



Низомга кўра, ҳар бир маҳалладан уч нафардан фаол нурунийга яшаб турган жойи бўйича 5 тадан камбағал оила олти ой мuddатга бириктирилади. Улар оилалар билан ишлашда “маҳалла еттилиги” билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Нурунийларга ҳар ой меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 50 фоизи миқдоридан рағбатлантирувчи тўловлар тўлаб берилади.

Фаол нурунийлар камбағал оила фарзандларига таълим олишлари учун ўқув жиҳозлари ва қуроллари, спорт кийимларини харид қилиш (битта оиллага 750 минг сўм миқдоридан), маҳалладаги кекса фуқароларнинг спорт тадбирларида иштирок этиши билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш (ҳар бир маҳаллага ажратиладиган маблағлар миқдори йилига 10 миллион сўмдан ошмайди) учун тавсиянома беради. Бу жараёнда уларга ҳоким ёрдамчиси ва ижтимоий ходим кўмаклашади.

Низомда белги-ланган ишлар натижадорлигини “маҳалла еттилиги” назорат қилиб боради.

Бизни ижтимоий тармоқларда қулатинг!

@mahalla_raislari
@mahalladosh_1
@mahalladosh



Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»га ўтиш учун QR-кодни сканерланг!



Президент қарори билан Таҳлилий ва тадқиқот тузилмалар фаолиятини ташкил қилиш бўйича МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ташкил этилди.



Президент фармонига кўра, 2028 йилгача ҚҚС ва фойда солиғи ставкалари оширилмайди.



“Телекоммуникациялар тўғрисида”ги қонун ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

ТАЖРИБА

Рўзгордан ортгани бозорда сотиляпти

Маҳалламизда 9 минг 928 нафар фуқаро янайдди. Асосий ўсш нуқтаси — деҳқончилик ва чорваччилик. Кейинги пайтда паррандачилик ривожланмоқда. Хар бир оила томорқадан самарали фойдаланса, турмуш фаровонлашадди. Рўзгордан ортганини бозорга олиб чиқиб сотадди. Бу кўшимча даромад.

Мўмин САЛОМОВ, Шўрчи туманидаги “Жойилма” маҳалласи раиси.

“Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, иссиқхоналар ташкил этиш, чорваччилик, паррандачилик, асалариччилик, қуёнчиликни ривожлантиришга эътибор беряпмиз.

Маҳалламиз меҳнатқаш деҳқонлари билан алоҳида ажралиб туради. Қиш фасли бўлишига қарамай, иссиқхоналарда қулупнай, гулқарам, қизил лавлага каби шифобахш кўкатлар пишиб этилган.

Бозорбой Холёровга деҳқончилик — ота касб. Лимончилик билан 8 йилдан бери шуғулланади. Томорқасидаги 4 сотих ерда иссиқхона ташкил этиб, лимон эккан. Утган йили



21 миллион сўм даромад олганди. Бугунгача 2024 йил ҳосилининг ярми 10 миллион сўмга сотилди. Яна 50 фоиз ҳосил турибди. Бундан ташқари, хонадонда анор, узумдан қўшимча даромад топяпти. Чорваччилик билан ҳам шуғулланади.

Асли касби устачилик бўлган Отабек Маҳмудов паррандачилик йўналишида фаолиятини кенгайтириб келаяпти. Ишдан бўш пайтларида парранда парвариши билан банд бўлади.

Райҳон Алиева иссиқхонада қўкат етиштиради. Бу билан ўзи ва турмуш ўртоғининг бандлиги таъминланган.

Зебинисо Кодирова турмуш ўртоғи билан бирга узок йиллардан буюн деҳқончилик қилади. Кўп ҳолларда помидор, бодринг, лавлага, қулуп-

най маҳсулотларини экарди. Икки йилдан буюн 22 сотихлик ер майдонига тарвуз уруғи қадади. Ҳосили ёмон эмас, меҳнатига яраша даромадга эга бўляпти.

Худудда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони ортиб бормоқда. Хусусан, “Шўрчи Шафоат инвест” корхонасида бир кунда 400 килограмм фунчоза (салат учун) ва 5 тонна ош тузи ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада 9 нафар ходим ишлайди.

Худуд инфратузилмаси яхшиланиши натижасида нафақат аҳоли яшаш тарзи фаровонлашмоқда, балки тадбиркорлик ривожланмоқда. Мисол учун, 2024 йилда “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида тақлифимиз фойлиб чиқиб, 3,2 км. ички кўча, маҳаллий дастурга кўра, ат-Термизий кўчасининг 1 км.

қисми асфальтланди. Ёшлик кўчасида жойлашган 41-мактабга 520 ўринли қўшимча бино қурилди. Қорариқ массивида 120 ўринли давлат боғчаси фойдаланишга топширилди. Бешкапа кўчасида ичимлик сув учун минора ишга тушди. 1,5 метр ичимлик сув тармоғи тортилди.

2025 йилдаги режамиз янада салмоқли. Жумладан, 12 км. ички кўча асфальтланади. “Оғир худуд” сифатида танлаб олиниб, дастур асосида 3 миллиард 551 миллион сўм маблағ ажратилди. Бунинг ҳисобидан 3 та артизан кудук қазилади. Бешкапа кўчасидаги 95 та хонадон учун Қорасув каналидан тармоқ тортилди. 220 дона бетон таянч устун ва 3 та трансформатор ўрнатилди. Ички кўчаларнинг 3 минг 850 метр қисми асфальтланади.

МАНЗАРА

Ишсиз оила аъзолари ишга жойланди

Маҳалла худудига кириб борар экансиз, баҳорний кайфият оғушида қоласиз. Аҳолининг ўзаро ҳамжиҳатлишига қўллар ҳавас қилади. Икки йилдан бери “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида широк эътибор, голубликни қўлга киритяпмиз.



Элдор РАХИМОВ, Сирдарё туманидаги “Баҳмал” маҳалласи раиси.

Тўғриси, бу ташаббус бизга янги имкониятлар эшигини очди. Чунки ақингача ички йўллар ачинарли аҳволда эди. Бугунги кунга келиб, 18 та кўчанинг барчаси асфальтланди. Қолаверса, маҳаллий дастур асосида эски симёғочлар ўрнига 440 та бетон таянч устун ўрнатилди. 2023 йилда 510 та хонадонга ичимлик сув тармоғи тортилди. Электр таъминоти яхшиланиб, 3 та янги трансформатор қўйилди.

Тозалик ва озодалик борасида ишларимиз ибратга арзийди. Алижон Абдуалимов Жанубий Кореяда таълим олиб қайтган. Яқинда ташкил этилган “Маҳалла сервис компанияси”га раҳбарлик қилмоқда. Хорижда олган билим ва тажрибаси асосида яхши ташаббусга қўл урди. Жанубий Корея технологияси асосида ташландиқ ерда боғ ташкил этди. Аҳолига 20 турдан ортик йўналишида хизмат кўрсатаяпти. Худудда чиқинди йиғиш шохобчаси иш бошлади. Келажакда шу ернинг ўзида чиқиндиларни қайта ишлаш корхонаси очмоқчи.

Аҳолининг 50 фоизидан ортик қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Уларга зарур шароит яратиш, иш билан таъминлаш биринчи галдаги вазифамизга айланган.

Дилафрўз Бойбўтаева ишсиз эди. Хонадондаги 6 сотих ерда гул экиб, даромад топшиш таклифини бердик. Гулчилик йўналишида имтиёзли кредит олиб, фаолиятини бошлади. Бугунга келиб, турмуш ўртоғи билан биргаликда йилга 60 миллион сўм даромад топмоқда.

Саида Хожимуродова оғир шароитда яшарди. Уни аввалига “Темир дафтар”га киритдик. Хошишга кўра, чорваччилик йўналишида 33 миллион сўм имтиёзли кредит олишига ёрдамлашдик. Хориждаги фарзанди оиласи бағрига қайтди. Биргаликда фаолият олиб бориб, йилга 50 миллион сўм даромад топяпти.

6 та камбағал оила аъзоларининг барчаси ишга жойланди. 2025 йил бошидаги маълумотга кўра, ишсизлик ва камбағалликдан холи худудга айландик.

2024 йил самарали яқунланди

Янги йил бошида ўтган вақтда амалга оширилган ишлар натижаси сарҳисоб қилинди. Кўп сонли маҳаллалар учун 2024 йил самарали яқунланди. 55 та маҳаллада “Сайхунбод тажрибаси” йўлга қўйилди.

Зафаржон ЖўРАЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қўқон шаҳар бўлими бошлиғи.

“Маҳалла бюджети” тизими амалиётга жорий этилиши натижасида молиявий имкониятимиз ошди. Таҳлилларга кўра, ўтган йилда жами 1 миллиард 189 миллион 625 минг сўм маблағ маҳаллалар ҳисоб-рақамига келиб тушди. Мазкур маблағ ички йўллар, пидедалар йўлакчалари, ёритиш тизими, электр энергияси ҳамда табиий газ тармоқлари, ичимлик ва оқава сув тизимини таъмирлаш ҳамда тиклашга йўналтирилди. Бундан ташқари, ижтимоий химояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклашиш, уларнинг турар жойини таъмирлашга сарфланди.

Фаолиятимизда аҳоли бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратдик. “Маҳалла еттилиги” билан биргаликда 2 минг 861 нафар ишсиз фуқаро ишли бўлишига эришдик. 1 минг 443 нафари ўзини ўзи банд қилди, 720 нафарига субсидия асосида тикув машинаси берилди. Шунингдек, 272 нафар талабгорга “Оилавий тадбиркорлик дастури” доирасида 4 млрд. 551 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. 200 нафар ўзини ўзи банд қилган шахсга “Бизнесга биринчи қадам” дастури доирасида кредит ва микроқарз тақсимиланди.

Меҳнат миграциясида юрган 400 нафар фуқаронинг муаммоси ўрганилиб, 321 нафарини ватанга қайтаришга эришдик.



52 нафарининг оиласига моддий ёрдам кўрсатдик.

Маҳаллалар инфратузилмаси ва ижтимоий соҳа объектилари ҳолатини яхшилаш йўналишида 3 та маҳалла фуқаролар йўғини идоралари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, 120 км. узунликдаги ички йўллар асфальтланди. Электр таъминотини яхшилаш йўналишида 69 та трансформатор таъмирланди, 195 та бетон таянч устун ўрнатилди. 3 км. узунликда тармоқ тортилди.

“Узумзор” маҳалласи “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида намунали масканга айланди.

“Зукко китобхон”, “Ёш китобхон”, “Заковат” мусобақаси, “Мунозара” ўйинлари 2 минг 510 нафар аҳоли жалб этилди.

Маҳаллага янги маъмурий бино қурилди. Шунингдек, бу ерда тиббиёт пункти иш бошлади, хизмат кўрсатиш мажмуалари ва кутубхона, “Маҳалла сервис компанияси” ташкил қилинди.

Президентимизнинг вилоятимизга ташрифида чоғида “Янги Ўзбекистон массиви” лойиҳаси маҳаллага таъминоти белгиланиб, Қўқонда биринчи “Маҳалла массиви” қурилиши бўйича топширик берилган эди. Айти кунларда мазкур топширик ижросига киришилган. “Фиштли масжид” маҳалласининг Мовароуннаҳр кўчасидаги 3 та 2 қаватли маънаф эскирган турар жой бинолари ўрнига янги 3 та 9 қаватли жами 136 хонадондан иборат турар жой бинолари қурилмоқда. Қўшимча равишда автотураргоҳ, болалар майдончалари, йўлақлар ва яшил майдон ташкил этилмоқда.

ЖАРАЁН

Чинакам бўстонга айланаётган “Бўстон”

Кечагича оғир шароитда бўлган худуд бутун улкан қурилиш майдонига айланди. 500 дан зиёд хонадонда 4 минг 310 нафардан ортик кўп миқталаги аҳоли ўзаро широкликда янайдди. Қирғиз, тожик, қозок ва ўзбеклар азадан дўст, бирорлар, қуда-ақда, оғанини бўлиб турмуш кечиради.



Тўлқин АҲМАДАЛИЕВ, Ўзбекистон туманидаги “Бўстон” маҳалласи раиси.

Улар билан суҳбатлашсангиз, бугундан рози эканига, эртанги кунга катта умидлар билан боқаятганига гувоҳ бўласиз. Сабаби, шу кунгача йиғилиб қолган муаммоларга ечим топилди. “Оғир худуд” тоифасига киритилиб, инфратузилмани яхшилаш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш юзасидан аниқ манзилли дастур ишлаб чиқилди.

2025 йилнинг биринчи чорагидан ижрога қаратилган мазкур дастур доирасида аҳоли томорқаларини сугориш учун 1 та артизан кудуғи қазилиб, 4 км. бетон ариқ ўрнатилиши, электр таъминотини яхшилаш мақсадида 1 та янги трансформатор, 200 дона бетон таянч устун ва 100 та кўча ёриткичи ўрнатилиб, 4

км. янги ҳаво тармоғи тортилиши белгиланган. Шунингдек, 3 км.га яқин ички йўлларни асфальтлаш кўзда тутилган. Мазкур ишларни амалга ошириш учун 3 миллиард 200 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланиши кутиляпти.

Айти кунларда амалий ишлар бошланди. Бўстонликлар учун тор доирадаги мутахассислар иштирокида чуқурлаштирилган сайёр про-филактик тиббий кўрик ташкил этилди. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида худудда арзонлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркаси йўлга қўйилди.

Маҳаллага дастлабки таянч устунлари етказиб келиниб, белгиланган манзилларга ўрнатиш ишлари бошланди. Хонадонларнинг томорқа ер майдонини шудгорлаш ва тўқсонбости экинларини экишни ташкиллаш, чорва ҳайвонла-

рини хатловдан ўтказиш ва эмлаш ишларига киришилди. Таъмирталаб ички йўлларни шағаллаштириш давом этмоқда.

Маҳалла аҳолиси асосий фойдаланадиган “Нурсух” бетон канали инвестиция дастури доирасида 13 млрд. сўмлик лойиҳа асосида реконструкция қилинаётгани боис, муқобил манба — эски “Нурсух” каналнинг худуддан ўтган қисми тозаланиб, сув ўтказишга шай ҳолатга келтирилди.

50 нафарга яқин нуроний маҳаллатимизнинг кўҳна ва тарихий шаҳарларига бепул саёҳатга юборилиб, худудда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Шунингдек, маҳаллий тадбиркорлар ташаббуси билан янги иш ўринлари яратиш бўйича режа ишлаб чиқилди. Бир сўз билан айтганда, “Бўстон” чинакам бўстонга айланмоқда.



Президент "ДАВЛАТ СИРЛАРИ ТУГРИСИДА"ги қонунни имзолади.



Президент қарорига кўра, МАҲМУДУЖА БЕХБУДИЙ таваллудининг 150 йиллиги кенг нишонланади.



Ҳукумат қарори билан фаол нурунийларни камбағал оилаларга БИРИКТИРИШ ТАРТИБИ белгиланди.

ТАЖРИБА

Томорқа туфайли дастурхон тўкин, оила фаровон

Меҳнат қилиб, даромад топаман, оилам фаровонлигини таъминлайман, деган инсонга бугун барча шарт-шароит ва имконият яратилган.



Ҳайрат КЕНЖАБОВ, Фориш туманидаги "Оқтепа" маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Ундан қандай фойдаланиш хонадон эгасининг тадбиркорлиги ва саъй-ҳаракатига боғлиқ.

Маҳалламизда яратилган имкониятдан самарали фойдаланаётганлар кўп. Жами 1,5 ва 2 сотихли 14 та иссиқхона бор.

Уларнинг 6 таси имтиёзли кредит асосида ташкил этилган. Асосан, лимон, помидор, бодринг етиштирилади. Асосий ўсиш нуктаимиз — узумчилик.

Емчи қишлоғида яшовчи Маъмур Маҳамматов томорқасидан самарали фойдаланиб, яхши даромад оляпти. 33 миллион сўм кредит эвазига иссиқхона курган.

Бу ерда бугунги қишнинг совуқ кунларида ҳам ғарқ пишиб турган лимон ҳосилига кўзингиз тушади.

Бежизга ерни ризқ-рўз, қўшимча даромад манбаи,

дейишмайди. Гектар-гектар майдонда эмас, 4-5 сотихли томорқада иссиқхона қуриб, унга турли кўчатлар, лимон кўчатларини экиб, ҳосил олиш мумкинлигини тажрибада исботлапти. Мўъжазгина ерда етиштирилиб, истеъмолчиларга етказиб берилётган маҳсулот ҳисобига оиланинг фаровонлиги, дастурхоннинг тўкинлиги ортапти. Қолаверса, оила аъзолари ҳам ишли, ҳам

даромадли бўлди. Утган йил сарҳисобига кўра, рўйхатга олинган барчаси ишга жойланди. 319 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди.

Дилфуза Қўчқорова "Аёллар дафтари"га киритилган. Унга субсидия асосида тикув машинаси берилди. Ҳозирда кўрпачилик тикиб, ойига 3-4 миллион сўм даромад топяпти.

Яқингача ишсизликдан азият чекаётган Нормат



Рўзикулов кредит эвазига чорвачилик йўналишида ўзини ўзи банд қилди.

Мирзохид Суннатов хорижда ишлаб юрарди. У ҳам имтиёзли кредит олиб, чорвачилик йўналишида фаолият бошлади.

Юқорида таъкидлаганимдек, ҳудудда узумчилик ривожланган. Аҳоли шу йўналишда яхши даромад топади. Аммо имконият янада катта. Мисол учун, шу ернинг ўзида узумни қайта ишлаш корхонаси ташкил этилса, экспорти йўлга қўйилса, фойда янада ошади. Таклифим, узумни қайта ишлаш ва экспортни йўлга қўйиш керак.

Бир сўз билан айтганда, ўсиш нуктаимиздан фойдаланиб, ишсизлик ва камбағалликни қисқарттиришга, янги иш ўринлари яратишга эришяпмиз. Жорий йилдаги режаларимиз улкан. Узумни қайта ишлаш корхонаси ташкил этиш таклифимиз амалга ошса, ҳатто кўшни маҳалла фуқароларини иш билан таъминлаш имкониятига эга бўлаемиз.



Мўъжазгина ерда етиштирилиб, истеъмолчиларга етказиб берилётган маҳсулот ҳисобига оиланинг фаровонлиги, дастурхоннинг тўкинлиги ортапти.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

ШАФТОЛИ ҚИШДА ҚАНДАЙ СУҒОРИЛАДИ?

Шафтоли дарахтига январь ойида яхоб суви бериш зарур. Агар бу тадбир муддатида бажарилмаган бўлса, февраль ойида 1-2 марта амалга ошириш лозим. Жараёнда ҳар гектар майдонга 1 минг 500-2 минг метр куб сув сарфланиб, 4-5 кун давом этади.



Яхоб суви билан сифатли суғорилган боғларда дарахтларнинг асосий илдизи жойлашган қисми яхши намланади, кўзгаллиш юқори бўлади. Тупроқ 2 метр чуқурликкача тўлиқ намланади. Натижада ўсиш даврида боғларда 1-2 марта суғоришни қисқартиради, бошқача айтганда, 700-1400 метр кубгача сув тежаллади.

Шафтоли дарахти энг кўп сувни янги боғ барпо этилган даврда талаб этади. Бир йиллик кўчатларни ҳафтада бир маротаба ёки ёз фаслида, ҳафтада икки маротаба суғориш тавсия этилади. Ўзиборлиси, сув етишмаслик ҳолатида ҳам мева бериши мумкин. Лекин меваси майда бўлиб қолади.

Суғориш миқдори тупроқ шароитига ва боғларнинг ёшига боғлиқ. Бўз тупроқларда ўсиш даври мобайнида 4-6 марта, шағали ерларда 10-12 маротаба суғорилади. Кўллатиб суғориш тавсия этилмайди.

КАШНИЧ ЕТИШТИРИШНИ БИЛАСИМИ?

Экиш учун орзу ва янтар нави тавсия этилади. Уруғи тоза, юқори унвучан, касалликлардан холи бўлиши зарур. Экин вақтида дала аввалги қолдиқлар ва бегона ўтлардан тозаланади. Кейин 1 сотихга 150-200

кг. маҳаллий ўғит солинади. Ўсимлик қисқа муддатда етилишини инобатга олиб, кўшимча 1 сотих майдонга 1 кг. азот, 1 кг. фосфор, 0,5 кг. калий солиш талаб этилади.

Ер 20-25 см. чуқурликда юшатилиб, йирик кесаклар майдаланган, яхшилаб текислаб, суғориш эгати олинади. Эгатлар ораси зич бўлиб қолмаслиги зарур. Эрта ҳосил олиш учун уруғ 10-15 февралда, ёзгиси 15 июнда, кейингилари 15 августда, 15 октябрда ва тўқсонбостиси 25 ноябрдан 10 декабргача сепилади.

Бир сотихга 100-120 грамм уруғ сарфланади. Улар лентасимон усулда 2-3 қатор қилиб ёки сочма усулда экилади. Намлик етарли бўлса, 5-10 кунда уни чиқади. Бу вақтда 1-2 марта ўташ, қалин ерларини бироз яғаналаш, 3-4 кунда суғориб туриш керак.

ШУҲРАТ ОТАЖОНОВ, Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.



ТАШАББУС

Мустақил пул топишга ўргатсак, боқимандалик йўқолади

Маҳаллада кафтдек ердан мўмай даромад топаётган юртдошларимиз кўп. Жумладан, деҳқонлар томорқачилиқда яхши тажрибага эга.



Акжалжон БАХРИДДИНОВ, Тўрақўрғон туманидаги "Лангар Бобо" маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

3 минг 300 нафар аҳоли хонадонда 31 гектар томорқа ери мавжуд. Бу майдонда 17 та иссиқхона бўлиб, 2025 йилда яна шунча ташкил этиш режа қилинган. "Драйвер"имиз — деҳқончилик ва чорвачилик. Томорқада, асосан, помидор,

бодринг, гул ва кўчатлар етиштирилади.

Ризомиддин Каримовни кўпчиликлари уста деҳқон сифатида яхши танийди. У хонадониданги томорқадан 3 мартагача ҳосил олади. Фаолиятини 2018 йилда бошлаган. "Сайхунбод тажрибаси" асосида 5 сотихли иссиқхонада гул, помидор ва бодринг кўчатларини парваришлаб, йилга 60 миллион сўм фойда кўрапти. Оиланинг 5 нафар аъзоси шу ерда

ўзини ўзи банд қилган. Қодиржон Раимбоев ҳам рўзгор учун керакли маҳсулотни томорқасида етиштирилади. Бундан ташқари, кўчатчилик билан шуғулланади.

Камбағал оилалар билан алоҳида ёндашув асосида ишляпмиз. Ҳозир 134 нафар фуқаро камбағал деб топилган. 5 тадан энг оғир шароитдаги оила масъулларга бириктирилган.

Масъулларнинг вазифаси — оилаларнинг камбағаллик ҳолатига тушиш сабабини ўрганиб, муаммоларни бартараф қилиш. Шунингдек, мутахассисларни жалб қилган ҳолда томорқадан самарали фойдаланиши, тадбиркорликни йўлга қўйиши ҳамда оила аъзоларининг, айниқса, хотин-қизларнинг касб-хунар ва хорижий тилни ўрганиши, ишга жойлаштиришга кўмаклашяпмиз. Энди аввалгидек фақат моддий ёрдам

бериш билан муаммага ечим топмаяпмиз. Чунки шу вақтгача кам таъминланганларга барча турдаги моддий ёрдамни бериб кўрдик. Аммо натижа ўзини оқламади. Бугун боқимандаликни йўқотиш учун фуқароларни ишлаб, мустақил пул топишга ўргатяпмиз. Айни мақсадда ишсизларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 5 та йирик тадбиркорлик субъекти

билан келишувга эришдик, хунар ўрганаман, деганлар 3-6 ойлик касбга ўргатиш курсларига йўналтириляпти.

Ҳар бир оилани камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режа тузганмиз. Унда ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, уй-жой, бандлик, таълим, ҳатто хулқ-аъвоқ йўналишлари қамраб олинган.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Шерзод АЛИЕВ. Хива шаҳри:

— Якка тартибдаги тадбиркорман. 2024 йилда фаолиятини тугатдим. Қўл остимда 4 нафар ишчи меҳнат қиларди. Ушбу вазиятда улар билан меҳнат шартномасини бекор қилиб, ишдан бўшатишим мумкинми?

"ХОДИМЛАРНИ ИШДАН БЎШАТИШИМ АСОСЛИМИ?"

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ, Адлия вазирлигининг "Мадад" ННТ ҳуқуқшуноси:

— Меҳнат кодексининг 161-моддасига асосан, номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини, шунингдек муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш асосланган бўлиши керак. Яъни, сизда қуйидаги сабаблардан бирининг мавжудлиги меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосли эканини билдиради:

— биринчидан, ташкилот ўз муассисларининг ёки таъсис ҳужжатлари билан бунга ваколат берилган юридик шахс органининг қарори билан тугатилган

бўлиши ёки якка тартибдаги тадбиркор томонидан фаолияти тўхтатилиши лозим.

— иккинчидан, технологиянинг, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг ўзгариши, ишлар ҳажмининг қисқариши билан боғлиқ бўлган ташкилот, якка тартибдаги тадбиркор ходимлари сонининг ёки штатининг ўзгарганлиги меҳнат шартномаси бекор қилинишига асос ҳисобланади.

Бундан ташқари, ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли эгаллаб турган лавозимга ёки бажарётган ишга мувофиқ эмаслиги, ўз меҳнат мажбуриятларини мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузганлиги қонуний тартибда ишдан бўшатишга етарли асосдир.



"SUBSIDIYA.MF.UZ" платформасида тадбиркорларга бериладиган имтиёзлар реестри юритилади.



Фуқаролар қабули ва сайёр қабулларни ўтказишда мажбурий тарзда СУРДОТАРЖИМОН ИШТИРОКИ таъминланади.



Умумий овқатланиш корхоналарига ФОЙДА СОЛИГИ ставкаси 50 фоизга камайтирилади.

Ёшлар кучи, шижоати, салоҳияти тараққиётга доим сафарбар

Тумандаги 61 та маҳаллада 72 минг 20 нафар йигит-қиз киритилган "Ёшлар баланси"ни шакллантириш орқали уларни касб-хунар ва чет тилларига ўргатиш, бандлигини таъминлаш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди.



Шавкат БЕКМИРЗАЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қашаши тумани бўлими бошлиғи.

Кашаши туманида "оғир тоифа"даги 601 нафар ёш билан манзилли ишлаш бўйича улар 29 нафар туман раҳбарларига номном бириктирилди. Сухбатлар давомида 340 нафар йигит-қизда уларни қийнаётган муаммо

аниқлаб, шу кунга қадар 324 нафариники ижобий ҳал этилди. Хусусан, 28 нафари ишга жойлаштирилди, 182 нафарига ер майдони ажратилди, 60 нафари касб-хунарга ўқитилди, 114 нафарига бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатилди.

Давлат идораларининг 102 нафар раҳбарига алоҳида ишлаш талаб этиладиган 27 минг 603 нафар ёш номном бириктирилди. Уларнинг 540 нафари алоҳида эътиборга муҳтож "оғир" тоифадаги, 178 нафари жиноятга мойил, 1 минг 778 нафари ишсиз, 2 минг 531 нафари ташқи миграциядаги ва 8 минг 832 нафари олий таълим муассасалари, 2 минг 298 нафари профессионал таълим муассасалари талаба-ўқувчилари ҳамда 11 минг 986 нафари мактаб ўқувчиларидир. Бу орқали йигит-қизларга касб-хунар эгаллаш, тадбиркорликка йўналтириш, замонавий касбларда ўқитиш бўйича тарғибот олиб борилиб, ўз йўлларини топишига замин

яратилмоқда.

Тасдиқланган ҳақвалга асосан, туман бўйича 500 гектар ер майдони 540 нафар ёшга ажратилиши режалаштирилган. Ушбу топшириқ ижроси юзасидан маҳаллаларда деҳқончилик қилиш мақсадида ер олиш истагида бўлган 564 нафар йигит-қиз рўйхати шакллантирилди. "Маҳалла еттилиги" тавсияномасига асосан, электрон платформага 826 нафар ёш киритилди. Бугунги кунга қадар 499 нафарига 402 гектар ер майдони ажратилди. Бу майдонларга ёшлар мош, қовун, тарвуз, кунжут, помидор, сабзи, маккажўхори, кунгабоқар, қовоқ экинлари экиб, тайёр бўлган маҳсулотни маҳаллий бозорга олиб чиқиб, даромад олишни бошлаб юборган.

Ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишга бўлган иштиёқи юқори. Жумладан, 15 минг нафар ёш хорижий тилларга ўқитилди, камида В2 даражасини олиши таъминланди. IT марказларида 126 нафар ёш "Келажак касблари" лойиҳаси доирасида таълим олмақда. "Ибрат фарзандлари" лойиҳасида 5 минг 80 нафар ёш рўйхатдан ўтган бўлиб, 182 нафари тил билиш сертификатини қўлга киритди.



500 гектар ер майдони 540 нафар ёшга ажратилиши режалаштирилган.

2024 йилда "Беш ташаббус олимпиадаси"да иштирок этиш учун 42 минг 374 нафар ёш ариза топширди. Олимпиаданинг хозиргача ўтган лойиҳаларида туман бўйича жами 34 минг 756 нафардан ортиқ ёш қамраб олинди. Ўтган йил ҳисобидан вилоят босқичларида 1 та олтин 2 та кумуш, 2 та бронза медаллари қўлга киритилди. Бугунги кунда туманимизда

истиқомат қиладиган аҳолининг салмоқли қисмини ёшлар ташкил этади. Бу муҳим омил уларнинг келажаги йўлида имкониятларни янада кенгайтириш зарурлигини кўрсатади, куч-шижоати, билими ва салоҳиятини тараққиётимиз йўлида сафарбар этишни тақозо этади. Бу йўлда биз ёруғ истиқболимиз учун ҳар доимгидан-да кўпроқ куч сарф қилишга тайёрмиз.

Замонавий касб ўрганишга

иштиёқ бор, имконият йўқ

Бугун ёшлар қандай муаммоси бўлса, биринчи навбатда, ёшлар етакчисига мурожаат қилиб, масалани ҳал этишни одаг тусини олд.

Мансуржон НАИМЖОНОВ, Янгиобод туманидаги "Сармич" маҳалласи ёшлар етакчиси.

Масъул раҳбарлар билан ҳамкорликда уларнинг оилавий шароити, соғлиги, даромади, иши бўйича тез-тез индивидуал суҳбатлар олиб боряпмиз. Маҳалламиздаги ўрта ва кекса авлод вакиллари йигит-қизлар тарбиясига бефарқ эмас. "Бир нуруний — ўн ёшга масъул" тамойили асосида ҳар бир ёш маҳалламизнинг энг тажрибали, ҳаётнинг пасту баландини тушунадиган отахону онахонлар ихтиёрига топширилган. Улар кунора: "Қайси ёш билан муаммо бор, қандай ёрдам керак?", дея ёнимга келади. Энг мушкул вазиятда уларнинг кўмаги билан ҳар қандай масалага ечим топилади.

Худудда оғир тоифадаги ёшлар сони 25 нафарни ташкил этади. Улар 4-сектор раҳбарига бириктирилган. Ёшларга қатор ёрдам турлари кўрсатилди. Хусусан, Миллий гвардия ходимлари билан 10

нафар йигит-қизнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиб, ярим йиллик шартнома пулини тўлаб бердик. 2 нафар ўсмир касб-хунарга ўқитилиб, даромадли ишга жойланди. Уй ҳамширалиги бўйича 4 нафар қиз тиббиёт курсига ўқиб, сертификатга эга бўлди.

Ўзи ёш бўлса-да, тадбиркорликка қизиқиб, асаларичиликка қўл уришга чоғланган Наврўз Холбоевга 32 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб бердик. Уддабурон йигит бу йўналишни бошлашдан олдин шоғирд тушиб, соҳанинг сир-асрорларини ўрганган экан. Мурожаати бўйича уйига бориб вазиятни таҳлил қилиш жараёнида асаларичилик учун 10 та қутини тайёрлаб қўйганига гувоҳ бўлдик. Биз олиб берган кредит асосида шу қутиларда асалари бокди. Яна кўшимча жой ҳозирлаб, 30 та қутига асал йиғди. Олти ой ичида 18 миллион сўм даромад олди. Кейинги йил асаларичилик фаолиятини кенгайтириб, кўшимча иш ўрни яратмоқчи. 4-5 нафар болани ёнига олиб, уларга ўз хунарини



Янги давр талабадаги касбларни ўрганиш учун алоҳида курслар ташкил этиш лозим.

ўргатишни ният қилган.

Мактаб битирувчилари бу йил олий таълим қамрови бўйича туманда биринчи ўринда турибди. Улар ичида фанлар, китобхонлик, спорт бўйича танлов-мусобақаларда ғолибликни қўлга киритганлари анчагина. Жумладан, "Ёш китобхон оила" танловида маҳалладошларимиз вилоятда биринчи ўринни банд этиб, Республика йўлланмасини қўлга киритди. Спорт соҳасида ёшларнинг 3 нафари вилоятдаги "Беш

ташаббус олимпиадаси" саралаш босқичида енгил атлетика бўйича биринчи ўринни, футбол жамоамиз ДХХ кубогида ғолибликни қўлга киритди.

Хозирда бизни ўйлантираётган муаммо сифатида шуни айтиш мумкинки, худудда замонавий касбларга ўқитиш учун ҳеч қандай имконият йўқ. Тўғри, мактабда информатика фанидан дарс берадиган ёш устозлар бор. Нафақадаги ўқитувчилар ҳам барча

ёшларни компьютер саводхонлигига ўргатишни истади. Аммо янги давр талабадаги касбларни ўрганиш учун алоҳида курслар ташкил этиш лозим. Шу мақсадда IT, дизайнерлик, маркетинг каби замонавий билимларни ўрганишда қўллаб-қувватлов бўлса, иқтидорли ёшларнинг салоҳияти ортиб, ўз билим-қўнималарини ошириш орқали даромадли касбларни эгалларди.

ҚИЁФА

МЕНДА САВОЛ БОР...

Абдунаби МАВЛОНОВ, Амударё тумани:

— Яқинда ишхонамизда ходимлар сони қисқартирилди. Мен ҳам шу қаторда эдим. Раҳбарим менга икки ойлик иш ҳақининг 50 фоизини бериб, шу мuddат давомида ишлаб беришимни талаб қилляпти. Шу тўғрими? Агар ходим ишламоқчи бўлса, қанча маош талаб қилса бўлади?

"Икки ой учун иш ҳақининг ярмини беришмоқчи..."

Мансур СОДИКОВ, Амударё тумани адлия бўлими бошлиғи:

— Меҳнат кодексининг 165-моддасига асосан, меҳнат шартномаси технологиянинг, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг ўзгаришига, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқаришига боғлиқ бўлган ташкилот ходимларининг сони ёки штати ўзгаргани муносабати билан бекор қилинганда, иш берувчи ходимни камида икки ой олдин ёзма шаклда (имзо қўйдириб) огоҳлантириш шарт. Иш берувчи ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ходимни огоҳлантириш мuddатларини пулли компенсация билан алмаштиришга ҳақлидир.

Сизнинг вазиятингизда агар иш берувчи талаб қилса, сиз икки ой ишлаб беришингиз лозим. Бироқ иш берувчи сизга ойлик иш ҳақининг 50 фоизини бериб, ишлаб беришни талаб қилиши ноқонуний. Сизга 100 фоиз иш ҳақи тўлиниши шарт. Сабаби, Меҳнат кодексининг 244-моддасига асосан, иш берувчи ўз молиявий аҳолидан қатъи назар, қонунчиликда, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, меҳнат шартномасида белгилаган меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига мувофиқ, ходимлар томонидан бажарилган иш учун ҳақ тўлашни амалга ошириш мажбурийдир.

ҚУЛАЙЛИК

Камбағал оила фарзандларига имтиёзлар белгиланган

"Камбағалликдан фаровонлик сари" дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинган.



Қонунчиликка кўра, "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастурини амалга ошириш доирасида куйидагилар амалга оширилади: — 2025 йил 1 январдан камбағал оилалар фарзандлари давлат мактабгача таълим ташкилотларига имтиёзли асосда қабул қилинади; — 2025/2026 ўқув йилидан, камбағал оилалар фарзандларининг давлат ОТМ талабалар турар жойларидаги

яшаш харажатлари давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилди; — 2025 йилдан "Эл-юрт умиди" жамғармаси томонидан камбағал оилаларнинг фарзандлари учун алоҳида квоталар ажратилади. Шунингдек, АТ "Халқ банки", "Микрокредитбанк" АТБ бириктирилган раҳбарларнинг хулосаси асосида камбағал оилаларга ноутбук сотиб олиш учун 5 йил мuddатга 2 йил

имтиёзли давр билан гаровсиз ва фозисиз қарз берилди.

Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун қиймати 30 млн. сўмгача бўлган кичик ишлаб чиқариш ускуналари, кўча дўконлар (фуд трак), мотороллер, скутер ва шу каби бошқа асосий воситаларни сотиб олиш учун 5 йил мuddатга бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан гаровсиз ва фозисиз қарз ажратилади.



Мактабгача ва мактаб таълими вазири жамғармаси ҳисобидан боғчалар раҳбар ва педагоглари рағбатлантирилади.



“Ишга марҳамат” мономарказларида иш берувчилар талабига асосан ТЕЗКОР КУРСЛАР ташкил қилинади.



2025 йилда ИЖТИМОЙ СОЛИҚ тушумлари бўйича 2024 йилда амал қилган тақсимлаш меъёрлари сақлаб қолинади.

Саводхонлик бўлмаса, савдонинг ҳам баракаси бўлмайди

Тупроққалъа тумани солиқ хизмати органлари ходимлари тадбиркорлик субъектлари билан олиб борган тушунтириш ишлари натижасида ўтган давр мобайнида 110 та корхонадаги 802 нафар норасмий ишловчи фуқароннинг фаолияти қонунийлаштирилиб, уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди.

Ромон ОТАЖОНОВ, Хоразм вилояти солиқ бошқармаси шўъба бошлиғи.

Турли сабаблар билан фаолияти вақтинча тўхтаб қолган 85 та корхонанинг фаолияти тикланди, 26 та бўш объект ишга туширилиши натижасида 67 та янги иш ўрни яратилди. Бугунги кунда қўлида хунари бор ёки уйда яқка тартибда маълум фаолият билан шуғулланиб келаётган фуқаролар кўп. Уларнинг ўзини ўзи банд қилиши, иш стажига эга бўлиши учун солиқ инспекторлари доимий қўмак кўрсатиб келяпти. Жумладан, “маҳалла еттилик” билан биргаликда яширин иқтисодиётни жиловлash мақсадида туманда 3 739 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилиб, муайян фаолият турлари билан шуғулланыпти. “Маҳаллабай” ишлаш

тизими натижасида 600 млн. сўмга яқин қўшимча манба аниқланди. 5 млрд. 744 млн. сўм миқдоридagi жисмоний шахсларнинг тураржой объектлари бўйича солиқлар ундирилиши таъминланди. Натижада йиғилган сумманинг 10 фоизи, яъни 574 млн. сўм маблағлар маҳаллалар бюджетига қолди. Тадбиркорларга солиқ хизматларини кўрсатиш, солиқ базасини кенгайтириш, солиқларни ундириш ва маҳалла бюджетининг даромадини шакллантириш каби устувор вазифалар бугун ўз самарасини бермоқда. Халол меҳнати тўғрисида бюджетга қўшимча маблағларни жалб этиб, белгиланган кўрсаткичлар бажарилишида намуна кўрсатаётган солиқ инспекторлари моддий ҳамда маънавий рағбатлантириляпти. Хусусан, “маҳаллабай” ишлаш тизими бўйича

юқори кўрсаткични қайд этган ходимларга Солиқ қўмитаси раҳбариятининг ташаккурномаси юборилляпти. Улар орасида **Тупроққалъа туманидаги “Шейхлар”, “Янги замин” ва “Саидлар” маҳаллаларининг солиқ инспектори Алишер Ёқубов** бор. – *Яширмайман, менга бириктирилган маҳаллалар туманимизнинг энг чека худудиди бўлгани учун бу ерга солиқ ходимлари илгари тез-тез кела олмаган. Келган бўлса ҳам аҳолининг мол-мулк ва ер солиқларидан қарздорликларини ҳамда мавжуд 3-4 та савдо дўконларининг солиқ тўловларини ундириш учун келган ҳолос, – дейди солиқ инспектори Алишер Ёқубов.* – Эндиликда вазифаларимиз аниқ белгилаб берилган бўлиб, ҳар кун маҳаллада бўляпти. Натижада маҳаллаларда тадбиркорлар сафини ошириш ва шу орқали солиқ базасини кенгайтиришга эришял-



миз. Жумладан, ўтган йил давомида 31 та ҳолатда фуқароларнинг яширин тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганини аниқладим. Солиқ саводхонлиги етарли бўлмаган ушбу фуқаролар ноқонуний фаолиятнинг оқибатларини билмайдди. Шу боис, уларнинг ҳар бири билан юзма-юз суҳбатлашиб, қонуний ишлашини афзалликлари, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тушунтирдим. Шундан сўнг ҳаммаси тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, фаолиятини қонунийлаштирди. Фаолиятини тўхтатиб қўйиб, яширин даромад топаётган 8 нафар тадбиркор фаолиятини қайта тиклади. Худди шундай ўтган давр давомида менга бириктирилган 3 та маҳаллада ўз уйида норасмий даромад топаётган 612 нафар фуқаро билан олиб борган тушунтиришлар натижасида улар ўзини ўзи банд қилганлик тўғрисида гувоҳнома олиб, фаолиятини расмийлаштиришди. Бундан ташқари, худудимдаги 22 нафар тадбиркор норасмий ишла-

тиб келаётган 18 нафар ишчисининг фаолиятини қонунийлаштирди. Аслида, ушбу тадбиркорлар ишчи ходимлар учун тўланган даромад солиғини қайтариб олиш ҳуқуқи борлигидан, яъни ушбу йўналишда солиқ енгилликларидан хабардор бўлмаганликларидан боис, уларни норасмий ишлатиб келаётган бўлган. “Маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда молявий қийинчиликка дуч келган бир нечта тадбиркорлик субъектларида бўлиб, уларнинг режаларини ўрганиб чиққан ҳолда 1 та бўш турган объектни қайта ишга туширишга эришдик. Айни пайтда худудимда 32 та АОС (айланмадан олиннадиган солиқ) тўловчи юридик шахс, 71 нафар ЯТТ фаолият юртиляпти. Учта маҳаллада 1 900 та мол-мулк ва 1 923 та ер солиғи тўловчиси бор. Тан олиб айтишим керак, бундай натижаларга осонлик билан эришилаётгани йўқ. Ҳар бир солиқ инспектори машаққатли меҳнатлари эвазига белгиланган вазифаларини адо этмоқда.

2025 йилнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент бошчилигида амалга оширилаётган ислохотлар, “маҳаллабай” ва “корхонабай” ишлаш тизимлари ҳамда рақамлаштиришнинг натижалари солиқ тушумларини сезиларли даражада оширди.

Жумладан, якунига етган 2024 йилда мамлакат бюджетига 199,1 трлн. сўм солиқ тушумлари таъминланиб, 2023 йилга нисбатан 20 фоиз (+33,1 трлн. сўм) ўсди. Туман ва шаҳарлар бюджетига тушумлар 24 фоизга ошди.

- Соҳани рақамлаштириш борасида бир қатор ишлар бажарилди. Хусусан:**
- маълумотларни қайта ишлаш маркази ва серверлар янгиланди, замонавий телекоммуникация ускуналари ўрнатилди;
 - солиқ органларининг алоқа инфратузилмаси ва ахборот хавфсизлиги тизимлари модернизация қилинди;
 - солиқ маъмуриятчилиги учун ягона рақамли платформа яратилди;
 - катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш учун замонавий технологиялар жорий қилинди;
 - солиқ тўловчиларга реал вақт режимида тақдим этиладиган хизматлар рўйхати кенгайтирилди.
- 2025 йилнинг устувор йўналишлари:**
- солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишни рақамли трансформация орқали янада яхшилаш;
 - КРП мезонлари асосида “маҳаллабай” ва “корхонабай” ишлаш тизимини ривожлантириш;
 - яширин иқтисодиётга қарши курашда солиқ назорати инструментларини такомиллаштириш;
 - давлат улуши юқори бўлган корхоналарда харажатларни назорат қилиш ва солиқ мониторингини жорий этиш.
- 2025 йилда 224 трлн. сўм солиқ тушумларини таъминлаш вазифаси белгиланди.**

Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Азиз ПҰЛАТОВ, Наманган вилояти:

– 2025 йилда солиқ соҳасида бир қатор ўзгаришлар бўляпти. Менга яқка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортишдаги янгиликлар ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз...

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БОР?

Музаффар НАЗАРОВ, Солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари:

– Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари туманлар ва шаҳарларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, ЯТТлар учун энг кам ва юқори ставкалари доирасида қатъий солиқ ставкаларининг миқдорини белгиляпти. ЯТТларга (даромади 100 млн. сўмдан ошмайди) ёлланма ишчилари даромадларидан 12 фоиз ўрнига қатъий солиқ ставкасининг ярмини тўлаш ҳуқуқи берилди.

Масалан, Хонқа туманидаги деҳқон бозоридида қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини чакана сотувчи ЯТТ ўзи учун ойига 65 минг сўм қатъий солиқ тўляпти. Аввал ёлланма ходимга 1 млн. сўм иш ҳақи ҳисобланса, ундан 12 фоиз ставка бўйича, яъни 120 минг сўм даромад солиғи тўланар эди. Бу йилдан бошлаб, яқка тартибдаги тадбиркор ўз ходими учун қатъий солиқнинг ярмини, яъни 32,5 минг сўм тўлаш ҳуқуқига эга.

Энди савдо комплекслари ва бозорларда фаолият юритувчи яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ёлланма ходимлари учун ижтимоий солиқ йилига камида 1 БҲМ миқдориди тўланади. Шунингдек, ёлланма ходимлар учун ижтимоий солиқ 31 декабрдан (аввал 1 декабрдан эди) тўланади.

Фойда солиғидаги ўзгаришлар

“Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонунга асосан, товар (иш, хизмат)ларнинг электрон савдосини амалга оширувчи солиқ тўловчилар учун фойда солиғи ставкаси – 10 фоиз этиб белгиланди (олдин 7,5 фоиз). Товар (иш)ларни экспортга реализация қилишдан олинган фойда учун ноль фоиз ставкадаги солиқ бекор қилинди.

Умумий қуввати 100 кВт. гача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари (ҚТЭМ) қурилмаларидан фойдаланган ҳолда умумий тармоққа электр энергиясини реализация қилишдан олинган фойда ноль фоиз ставкада солиққа тортилади.

Ставка ҚТЭМ қурилмалари ишга туширилган ойдан бошлаб, 3 йил давомида қўлланилади. Куёш панеллари қувватининг камида 25 фоиз миқдориди электр энергиясини тўлаш тизими билан куёш панеллари ўрнатилганда – бу панеллар ишга туширилган ойдан бошлаб 10 йил давомида тақдим этилади.

2027 йил 1 январгача қўшимча манбалардан даромад оладиган бюджет ташкилотлари, бўшаётган маблағларни бюджет ташкилотларининг моддий-техник ва ижтимоий базасини мустаҳкамлаш, ходимларини моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтириш шарти билан фойда солиғини ноль фоиз ставкада тўлашади. Аввал мўддат 2024 йил 1 январгача эди.



Солиқ тўловчилар, шу жумладан, янги ташкил этилган тадбиркорлар жами даромади жорий ҳисобот даври мобайнида 10 млрд. сўмдан ошган (олдин 5 млрд. сўм) бўлса, ҳар ойлик бўнақ тўловларини тўлиқ чорак ўтгандан кейин тўляпти.

ВАҚТИНЧАЛИК СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ
2025 йил 1 январдан
2029 йил 1 январгача нарийёт-матбаа фаолияти билан шуғулланувчилар олинган даромадларидан

фойда солиғини тўлашдан озод қилинади (фойда кўришишдаги даромадлар бундан мустасно). Бунинг учун ушбу фаолият туридан олинган даромадлар ҳисобот (солиқ) даври якуналари бўйича жами даромадининг камида 90 фоизини ташкил этиши керак.

2025 йил 1 февралдан
2030 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик шахслар экспорт хизматлари ҳажми календарь йил давомида 10 млн. АҚШ долларидан ошган

Истисно – Ўзбекистон Республикаси билан икки ёқлама солиқ солишининг олдини олиш тўғрисида битим тузган давлатларнинг солиқ резидентлари мустасно.

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентларига ахборот технологиялари соҳасидаги хизматларни кўрсатишдан олган даромадлари қисмида (шу жумладан, роялти тўланадиган) фойда солиғини тўлашдан озод қилинади.

Истисно – Ўзбекистон Республикаси билан икки ёқлама солиқ солишининг олдини олиш тўғрисида битим тузган давлатларнинг солиқ резидентлари мустасно.

2025 йил 1 январдан
2030 йил 1 январгача тадбиркорлик субъектлари фойда солиғини ҳисоблашда ўз маблағлари ҳисобидан нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари биноларининг қуриш билан боғлиқ харажатларни 2 йил давомида тенг улушларда ушбу бинолар қийматининг амортизация тарзида чегириб ташланадиган харажатларга киритишга ҳақли.

Бу жаъраёнда улар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларини бепул қабул қилиш бўйича лицензия талабларини бажаришлари шарт, акс ҳолда бу амортизация чегирилари Солиқ кодексининг 306-моддасида назарда тутилган амортизация нормаларини қўллаш ҳисобидан бекор қилинади.

Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.



2025 йил апрелидан **БАРЧА ДОРИХОНАЛАР** ва клиникалар **ҚҚС** тўлашга ўтади.



Экспортчиларнинг транспорт харажатларини давлат бюджетидан **СУБСИДИЯЛАШ** амалиёти бекор қилинади.



Ўзбекистонда электромобилларни қувватлантириш учун **МАХСУС ТАРИФЛАР** жорий этилади.

80 фоиз аҳоли оби-ҳаёт билан тўлиқ таъминланди



Шахноза **РАҲИМЎЖАЕВА**, "Mahalla"

Нафақат инсоният, балки бутун борлик сув билан тирик. Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ҳар қандай замон ва маконда ҳам энг долзарб ва масъулиятли вазифалардан бири бўлиб келган. Айни пайтда дунёнинг кўнраб ҳудудларида тоза ичимлик сув тақчил экани ҳам сир эмас.

Мамлакатимизда сўнгги етти йилда аҳолининг ичимлик сув таъминотини яхшилашга 20 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Ушбу маблағлар ҳисобидан 2 916 та сув иншооти ва 43 минг километрга яқин ичимлик сув тармоқлари тортилди. Натижада аҳолининг марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 2017 йилда 65 фоизни ташкил этган бўлса, бугунга келиб ушбу кўрсаткич қарийб 80 фоизга етказилди. Ушбу давр мобайнида 8,7 миллион нафар аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланиб, 14,5 миллион нафар аҳолининг сув таъминоти яхшиланди.

Келинг, айрим рақамларга тўқталиб ўтамиз. Тупаланг сув омбори сувидан фойдаланиш ҳисобига Сарийосиё, Денов, Шўрчи, Кумқўрғон туманларидаги 1 миллион нафарга яқин, Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл туманлари ва Жиззах шаҳрида яшовчи 350 минг нафарга яқин аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланишига эришилди.

Биргина 2024 йилда аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ва оқова сув хизматларини яхшилаш бўйича барча дастурлар доирасида 1,7 триллион сўм маблағ ҳисобига 276 та объектида 1 684 километр сув тармоқлари ҳамда 196 та сув иншооти қурилди ва реконструкция қилинди. Хусусан, Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент ҳамда Наманган вилоятининг Янгиқўрғон, Уйчи ва Янги Наманган туманларида янги объектилар фойдаланишига топширилди.

Ҳозирда сув таъминотини яхшилаш бўйича қиймати 2,9 миллиард долларга тенг 6 та истиқболли лойиҳа бўйича ишлар олиб борилмоқда. Жумладан:

1. "Тошкент шаҳрининг оқова сув тизимини яхшилаш" лойиҳаси доирасида Қуйи Чирчиқ туманидаги "Сурум" маҳалласида қуввати 1 миллион метр куб оқова сув тозалаш иншооти ҳамда 43 километрга яқин оқова сув коллектори қурилади. БААнинг "SWS Holding" компанияси 2026 йилдан бошлаб лойиҳани амалга оширишни бошлайди.

2. "Сурхондарё вилояти ичимлик сув таъминотини яхшилаш" лойиҳаси доирасида Денов, Сарийосиё, Шўрчи ва Кумқўрғон туманлари ички тарқатувчи тармоқлари 2025 йил февраль ойидан бошлаб, Франциянинг "SUEZ" компаниясига бошқарува берилди.

3. "Самарқанд вилояти Ширин шаҳарчасида оқова сув тозалаш иншоотини қуриш" лойиҳасини Испаниянинг "Almar Water" компанияси амалга оширади. Унинг доирасида 100 минг метр куб/сутка қувватли оқова сув тозалаш иншооти ва 20 километр оқова сув коллектори қурилади.

Умуман олганда, фуқароларни марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш борасидаги ишлар кўлами йилдан-йилга кенгаймоқда. Бундай имконият янги, обод манзиллардаги фаровон ҳаёт кафолати бўлаётгани аҳолининг бугунги кайфиятидан, мамнунигидан сезилиб турибди. Қолаверса, узоқ йиллардан кейин илк бор ичимлик сув тармоғи келган маҳалла аҳолисининг қувончини ҳис қилиш қийин эмас. Улар ўз ўрнида бу незматнинг қадрига етади ва келажак авлодга ҳам бу борада ўрнатилган қадрига ҳеч шубҳа йўқ.

ҚУЛАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН АВТОБИЛСОЗЛИҚДА МИНТАҚАВИЙ ЕТАКЧИГА АЙЛАНДИ

САНОАТ



Мамлакатимизда автомобилсозлик бўйича қатта тажриба ва шифратга эришма бор. Бугунги кунда ўнга яқин заводда турли русумдаги автомобиллар, йўловчи ва юк машиналари, қишлоқ хўжалиғи ва махсус техникалар ишлаб чиқариляпти.

Шахноза **ХАЛИЛОВА**, "Mahalla"

Мамлакат аҳолиси учун автомобилсозлик соҳаси қўлай нархларда сифатли транспорт воситаларидан фойдаланишни таъминлайди, харақатчанлик ва турмуш даражасини оширади. Автомобиль экспорти давлатнинг ишончли савдо шерик сифатидаги нуфузини мустаҳкамлайди ва иқтисодий диверсификация қилишга, аънанавий хомашё тармоқларига қарамаликни камайтиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда 2024 йил давомида соҳа фаол ривожланди. Мисол учун, 73 триллион сўмлик маҳсулот, жумладан, 430 минг донга энгил автомобиль ишлаб чиқарилди. Экспорт ҳажми 571 миллион долларни ташкил этди. Саноатда автомобилсозлик улуғи 10 фоиз, давлат бюджетига 9 триллион сўмдан ортиқ солик ва бошқа тўловлар амалга оширилди. Тармоқда 2 300 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Ҳозирда мазкур соҳада иш билан банд бўлганлар сони 39 минг нафарни ташкил этади.

Сўнгги уч йилда Ўзбекистонда электромобиллар сотуви 10 баробар кўпайган. 2023 йилда импорт қилинган автомобилларнинг 35 фоизини электромобиль ва гибридар ташкил қилган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам электро-

мобиль ва гибрид автомобиллар ишлаб чиқариш лойиҳаларига старт берилди.

Хитойнинг "BYD" компанияси билан ҳамкорликда Жиззахдаги янги заводда "Chazor" ва "Song Plus Champion" моделларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лойиҳа доирасида 60 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди, 1 200 та иш ўрни ҳамда республика бўйлаб 21 та диллерлик ва сервис марказлари яратилди. Заводда автомобиль кузовларини пайвандлаш, бўяш ва йиғиш учун юқори технологияли ускуналар ўрнатилди ва **МДХ давлатларида ягона бўлган лаборатория** ташкил қилинди.

Соҳада 8 та инвестиция лойи-

Жиззахдаги электромобиль заводида "BYD" моделлар қатори кенгайтирилади. Электромобиллар сони йилига 500 минг донагача етказилади.

ҳаси доирасида 187,5 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди. 181 донга автомобиль деталларини маҳаллийлаштириш ҳисобига

602 миллиард сўмлик харажатлар қисқартирилди. Жумладан, "Damas" ва "Tracker" моделлари учун шиналар, "Tracker" ва "Onix" моделлари учун том рейлинглари, ускуналар панели, филдираклар, ёритиш чироклари, ўриндик матолари ва сунъий чарм қопламалари етказиб бериш йўлга қўйилди.

Ҳозирда Ўзбекистонда 1 000 кишига автомобиллар сони 117 тани ташкил этади. Аҳоли жон бошига даромад ошаётгани боис бу тенденция кейинги йилларда ҳам сақланиб қолади. Бундан фойдаланиб, талабга яраша маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Давлатимиз раҳбари раислигида 2024 йил ноябрь-декабрь ойларида ўтказилган йиғилишларда белгиланган вазифалар ижроси доирасида жорий йилда 450 мингта автомобиль ишлаб чиқариш ва экспортни 700 миллион долларга етказиш мақсад қилинган. 700 та детални ўзлаштириш бўйича 325 миллион долларлик 63 та лойиҳа амалга оширилди.

Жиззахдаги электромобиль заводида "BYD" моделлар қатори кенгайтирилади. Қиймати 300 миллион долларлик иккинчи босқичда электромобиллар сони йилига 200 минг донага, учинчи босқичда 500 минг донагача етказилади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган "BYD" автомобилларини Марказий Осиё ва қўшни давлатларга, жумладан, Қозғистонга экспорт қилиш режалаштирилган. **Бу Ўзбекистонни электромобиль ишлаб чиқаришда минтақавий етакчига айлантиради.**

КЎМАК

"Ҳуқуқий маҳалла" одамлар манфаатига хизмат қиляпти

Халқ муурожаатларини уйма-уй юрган ҳолда ўрганиш, уларга ижобий ечим топиш, аслида, кўнраб эътиборга тенг. Шу маънода ақлий органларнинг "Ҳуқуқий маҳалла" лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар одамларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш баробарида уларни рози қилишга хизмат қилмоқда.

Илҳом **САТТОРОВ**.

"Бешработ" — мазкур лойиҳа учун **Навоий вилояти Навбахор туманидан танланган маҳалла**. Бу ҳудуддаги мавжуд 785 та хонадоннинг турли кўринишдаги ижтимоий муаммолари уйма-уй ўрганишлар натижасида аниқланди. Бу галги амалий кўмак хотин-қизларга қаратилди.

Маҳфуза Хусенова — артроз касаллиги туфайли ижтимоий ҳимояга олинган аёллардан. Дардман аёл 18 йилдан буён бу касаллик билан курашади. М.Хусенова дардни енгиш ва оиласига кўмаги тегиши учун ҳам тикувчилик касбини танлаган. Бироқ ўзида замонавий тикув машинаси йўқ эди. "Ҳуқуқий маҳалла" лойиҳаси доирасида ўтказилган ўрганишларда у ўз муурожаатини қолдирди. Фуқаронинг бу муурожаатига ижобий ечим топилди.

— *Рости, менга тикув машинаси берилмаса керак, деб*



ўйлагандим, — **дейди у**. — *Жуда хурсанд бўлдим. Уйимда турган машина шогирдларимники, барибир бировнинг буюми-да, бузилиб қолишидан чўчиб, авайлаб ишлатардим. Энди кўрқмай ишласам бўлади.*

Маҳаллада хунари ортидан оиласига даромад келтираётган хотин-қизлар бисёр. Шулардан бири — Нафиса Жабборовна. У икки нафар фарзанди ҳали кичкиналиги туфайли хонадонига тикув ишлари билан банд. Бу аёлнинг ҳам тикув машинасига эҳтиёжи бор. Унинг муурожаатидан кўп ўтмай, ҳамкор ташкилотлар тикув машинасини Жабборовлар хонадонига етказди.

Йиғинда "Ҳуқуқий маҳалла" лойиҳаси доирасида юзлаб муурожаатларга ечим топилди. Масалан, аҳоли учун чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар ташкил этилди, йўл белгилари янгиланди, маҳалла ҳудуди ободонлаштирилди, ички йўллар текисланиб, қўм-шағал ётқизилди. Кўча-

бошиларнинг таъкидлашича, бугунги ишловлар туфайли йиллар давомида эътиборсиз қолдирилган юмушлар бажарилимоқда.

— *Туман марказига борадиган йўл ички йўл ҳисобланади, — дейди маҳалла кўчабошиси Зокир Қўчқоров.* — *Тўғриси, ёмғир ёки қор ёғса, йўлларда юриб бўлмайди. Болаларимиз боғча ва мактабга қатнашга қийналади. Мана, энди йўллар текисланди. Шағал-қўм ташланиб, асфальт ётқизишга тайёрланди, атрофи ободонлаштирилди.*

"Ҳуқуқий маҳалла" лойиҳаси доирасида амалга оширилётган ишлар давом этмоқда. Фуқароларга имтиёзлар, уларнинг ҳуқуқларига оид муҳим ҳуқуқий тушуниришлар берилиб, кадастр ва шахсга доир ҳужжатларни расмийлаштириш, мерос, бандлик, субсидия олиш, таълим кредити, уй-жой таъмири, моддий ёрдам ҳамда оилавий муносабатлар билан боғлиқ муурожаатлар ҳал этиляпти.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚИ

ИШДАН БЎШАТСАНГИЗ, ЖАЗОЛАНСИЗ!

Қонунчиликка қўра, ҳонимдорлиги ёки фарзанди борлиги билан боғлиқ сабабларга қўра ишга қабул қилишни рад этиш ёки меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини камайтириш тақиқланади.

Аёлнинг ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш, қуйидаги жазо чораларидан бири қўлланилишига сабаб бўлади:

- БҲМнинг 25 бараваригача миқдорда (9 млн. 375 минг сўмгача) жарима;
- 3 йилгача мўайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари.





Бутунжаҳон бокс ассоциацияси эълон қилган ЯНГИЛАНГАН РЕЙТИНГДА ўзбекистонлик 6 нафар боксчи жой олди.



Футбол: Франция чемпионати биринчи давраси учун АБДУҚОДИР ҲУСАНОВ рамзий терма жамоадан жой олди.



ОРТИҚ НИГМАТОВ гроссмейстерга айланди, ўзбекистонлик гроссмейстерлар сони 30 нафарга етди.



Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!

КОМПЬЮТЕР ОЛДИДА УЗОҚ ЎТИРМАНГ, АЙНИҚСА, ОВҚАТЛАНМАНГ

Кўп вақт касалликларнинг бош омили — камҳаракатлилик. Асосий вақтини иш столида, компьютер қаршида ўтказадиган ходимларнинг катта қисми ҳам, афсуски, жисмоний фаоллик еттирмайдиган тонфага мансуб.

М аълумотларга кўра, ҳар йили 25 ёшдан ошган ишчиларнинг 80 фоизда умуртқа поғонаси хасталиклари, хусусан, умуртқа кийиқлиги аниқланади. Бундай касалликларнинг келиб чиқишига 80 фоиз ҳолатда иш столида гавдани нотўғри тутиш сабаб бўлади. Бироқ буни иш шароити, касб тақозоси билан боғлаб, саломатликка эътиборсиз бўлиш оғир асоратларни келтириб чиқариши табиий.

Ваҳоланки, ушбу муаммо, яъни “офис ходими синдроми”нинг осон ва самарали ечими бор. Масалан, иш вақти давомида имкон қадар ҳар бир-икки соатда 5-10 дақиқа танаффус қилиш лозим. Бу пайтда бир неча мартаба ўтириб-туриш, гавдани ён томонга ҳаракатлантириш, бошни соат миллари бўйлаб айлантириш ке-

рак. Сўнг ўпкамизни тўлдириб нафас оламиз ва яна ишни давом эттиришга киришамиз.

Бел оғриқларидан химояланишда курси суянчигига махсус ортопедик ёстик қўйиш мумкин. Қолаверса, бундай воситалар бавосил билан оғриган кишилар учун ҳам тавсия этилади. Ҳар икки соатда бўйин мушаклари учун машқ бажариш бўйин остеохондрози профилактикасида қўл келади. Айниқса, энса ва курак соҳасида оғриқ, увишиш кузатилганида бундай ҳаракатлар жуда самарали.

Камҳаракатлилик танада қон айланиш тизимини издан чиқаради. Бундай вазиятда қон айланишини яхшилаш учун жисмоний фаолликни ошириш лозим. Ишни эрталабки бадантарбиядан бошлаган маъқул. 10-15 дақиқа қўл-оёқ чигалини ёзи саломатлигини яхшилайти. Кун давомида зинадан пиёда кўтарилиш, вақти-вақти билан хона бўйлаб юриш керак.

Қон айланишининг меъёрда бўлиши истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларига ҳам боғлиқ. Мунтазам қаҳва ёки аччиқ қора чой ичиш қон қуюқлашишига олиб келади.

Шунингдек, ширинликлар туфайли организмда “ёмон” холестерин миқдори ортиши ҳам сир эмас. Бундан ташқари, компьютер қаршида таом ейишнинг зиёни катта. Негаки, монитордан чиқаётган нур нафақат инсон танаси, балки у тановул қилаётган маҳсулотларни ҳам маълум маънода зарарлайди.

Тизза бўғимларининг бир хил бўлиши ҳам сезилган ҳолатда кўп қолиб кетиши ҳам соғлиқ учун зиён. Бундай вазиятда артроз-бўғим касаллиги келиб чиқиши мумкин. Унинг олдини олиш учун оёқлар ҳолатини алмаштириб туриш, вақти-вақти билан туриб юриш, ўтирган ҳолатда велосипед ҳаракатларини олдинга ва орқага бажариш, чуқур нафас чиқариб ўтириш ҳамда чуқур нафас олган ҳолда туриш машқларини бажариш керак.

Энг осон машғулот: киши нигоҳини деразадан ташқарига, бирор объектга қаратади. Сўнг яна яқиндаги нарсага қараш мумкин. Кўзларни ўнг, чап, тепага ва пастга ҳаракатлантириш ҳам фойдали. Шунингдек, кўзни тез-тез юмиб, очиб ҳам асқотлади. Муҳими, компьютер қаршида узоқ вақт ўтирмастик керак.



Мурод ИРИСМЕТОВ, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази директори.

Энг муҳими, компьютер қаршида узоқ вақт ўтирмастик керак.

САЛОМАТЛИК

Байрамдан сўнг қандай тикланиш мумкин?



Қандай таом ёки егулик истеъмол қилишдан қатъи назар, тушликни бир стакан сув билан яқунлашга ҳаракат қилинг.

Байрамлар, туғилган кунлар, турли оилавий зиёфатлардан қолган мазали таом ва егуликларни кетма-кет, аралаш истеъмол қилиш организмга оғирлик қилади. Жигар, ошқозон, ичаклар ҳазм қилишга қийналади, уларнинг фаоллигида муаммолар кузатилиши мумкин.

Ухлашга ошиқманг. Тушликдан кейин қанчалик уйку келмасин, ётиб ухлашга шошилманг. Ундан кўра тоза ҳавода сайр қилишга чиқинг. Юргангиз сабаб жигидон қайнаши олди олинади ва ҳазм жараёни яхшиланади.

Кўпроқ суяқлик ичинг. Қандай таом ёки егулик истеъмол қилишдан қатъи назар, тушликни бир стакан сув билан яқунлашга ҳаракат қилинг. Суяқлик таомнинг ҳазм бўлиши учун муҳим саналади. Шу сабаб байрамдан кейинги кунларда овқатланиш тартибига риоя қилиш ҳамда бир бўлак лимон солинган сув

ичишни қанда қилмаслик тавсия этилади.

Кўпроқ клетчаткага бой маҳсулот истеъмол қилинг. Овқат ҳазм бўлмаётгани ёки оғирлашиб кетаётганини ҳис қилсангиз, кўпроқ клетчаткага бой сабзавот, мевалар, шунингдек, донли маҳсулотларни истеъмол қилинг.

Кўк чой ичинг. Исталган чой ҳазм жараёни учун фойдали бўлиши мумкин, лекин кўк чойнинг бу борадаги самараси кўпроқ. Ушбу маҳсулот антиоксидантлик хусусиятини сақлаб қолгани ҳисобига

ҳам ҳазм жараёнининг фаол бўлишига ҳисса қўшади.

Жигарингиз саломатлиги ҳақида қайғуринг. Ҳаддан ортиқ кўп овқатланганда нафақат ошқозон, балки ичаклар ва жигар ҳам азият чекади. Шу сабаб ҳам сабзавотлар, кўк чой ва зарчава истеъмол қилиш маслаҳат берилади. Қолаверса, кўп суяқлик ичишни ҳам ёддан чиқармаслик керак. Сув ортиқча ёлларнинг эриши ҳамда уларнинг ўт пуфагида тўпланмаслигига ёрдам беради.

Иложи бўлса, саунага боринг. Саунага бора олмаган тақдирингизда, иссиқ сувни яхшилаб парлатинг. Инсон терлаганда организмдаги ортиқча моддалар чиқиб кетади. Жисмоний машқларни бажариш орқали ҳам самарага эришиш мумкин.

АНИҚ РАҚАМ 1 ЯНВАРДА ҚАНЧА ЧАҚАЛОҚ ДУНЁГА КЕЛДИ?

2025 йил 1 январь кунги мамлакатимизда 1 641 нафар чақалоқ дунёга келди. Уларнинг 845 нафари киз, 796 нафари ўғил болалар эр.

Энг кўп чақалоқ Фарғона вилоятида (244 нафар) туғилган бўлса, Самарқанд вилоятида — 186 нафар, Қашқадарё вилоятида — 181 нафар бола дунёга келди. Энг кам — Сирдарё вилоятида — 45 нафар, Навоий вилоятида — 42 нафар чақалоқ туғилди.

Дунёга келган болалар орасида 23 нафари эгизак (жами 47 нафар бола) бор, яъни 22 таси (44 нафар бола) икки ҳомилалик, 1 таси (3 нафар бола) уч ҳомилалик эгизакдир.



Эслайтиб ўтамиз, 2018 йилнинг худди шу куни 1 961 нафар, 2019 йилда 1 708 нафар, 2020 йилда 1 974 нафар, 2021 йилда 1 644 нафар, 2022 йилда 2 316 нафар, 2023 йилда 2 155 нафар, 2024 йилда 1 859 нафар чақалоқ туғилган эди.

ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

Нуриддин ШАРИПОВ. Тошкент шаҳри:

— Мен улғурчи савдо билан шуғулланаман. Олдимга турли дўконлар, айрим ҳолатда ташкилотлардан ходимлар келади. Айримлари сотиб олаётган нарсага нархни қўшиб ёзиб беришни сўрашади. Масалан, “товарнинг нархи 50 минг сўм бўлса, 70 минг сўм деб ёзинг. Мен сизга пулини олиб келганимда 20 минг сўмни менга қайтиб берасиз”, дейишади. Уларнинг бу иши жоизми?

“Нархни қўшиб ёзиш жоизми?”



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Исломи дини инсонга ҳамиша ишлаб топаётган пуlining факат ҳалол йўл билан бўлишига аҳамият қаратади. Ҳалол бўлмаган молни ноҳақ ўзлаштириб оладиган кимсалар, гарчи кўзга ишбилармондек кўринса-да, ночор ва бечора кишилардир. Аллоҳ таоло Куръони каримда марҳамат қилади: “Эй ймон келтирганлар! Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг” (Нисо сураси 29-оят).

Юқоридаги ишлар ҳам мутлақо жоиз эмас. Чунки

ишчи ва ходим қабилар иш жойининг вакили сифатида иш юритади ва мана шу ишларни бажараётгани учун унга корхона маоши ажратади. Исломда вақил ўзига нима вазифа юклатилган бўлса, ўшани бажариши керак. Қўшиб ёзишни талаб қилиш ва шу орқали олган ортиқча пулни ўзлаштириш унга ҳалол бўлмайди. Бу ишда алдов, омонатга хиёнат қилиш каби бир неча гуноҳлар бор. Шунинг учун сизга бундай тақлиф билан чиқилганда, чегирман иш берувчи учун олишнингизга тўғри бўлади. Акс ҳолда, гуноҳ ишни амалга оширишда ёрдам берган бўлиб қоласиз.

